

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ МУҲИБЖОН ҲАБИБЖОНОВИЧ

ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ОРГАНИК
МОДДАЛАР НАНОСТРУКТУРАЛИ АРАЛАШМАСИНИНГ ОПТИК
СПЕКТРОСКОПИЯСИ

01.04.05 – Оптика

физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Имомов Муҳибжон Ҳабибжонович

Қуёш элементлари учун истиқболли органик моддалар
наноструктурали аралашмасининг оптик
спектроскопияси.....3

Имомов Муҳибжон Ҳабибжонович

Оптическая спектроскопия наноструктурированной смеси
органических веществ, перспективных для солнечных
элементов.....22

Imomov Muhibjon Habibjonovich

Optical spectroscopy of a nanostructured mixture
of organic substances, promising for solar
cells.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ МУҲИБЖОН ҲАБИБЖОНОВИЧ

ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ОРГАНИК
МОДДАЛАР НАНОСТРУКТУРАЛИ АРАЛАШМАСИНИНГ ОПТИК
СПЕКТРОСКОПИЯСИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/FM538 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ipit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Захидов Эркин Агзамович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юсупов Джавдот Бакиджанович физика-математика фанлари доктори, профессор Каххаров Абдулмуталлиб Мамаджанович физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Ётакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «2» сентябр соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, email: info@ipit.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2021 йил «20» 10 кунни тарқатилди.

(2021 йил «2» 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор.

И.Д.Ядгаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг дозарблиги ва зарурати. Энергияга бўлган эҳтиёжнинг доимий равишда ортиб бориши бир қатор глобал миқёсдаги иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хозирги вақтгача қазилма ёқилғилар бутун дунё бўйича ишлатиладиган энергиянинг асосий манбаи ҳисобланади. Бундай энергия манбаларининг қайта тикланмаслиги ва уларнинг “иссиқхона таъсири” ва атмосферани ифлосланиши каби планетамиз экологиясига зарарли таъсири катта муаммоларга сабаб бўлиб, энергиянинг бошқа, қайта тикланадиган манбаларидан кенг миқёсда фойдаланиш заруриятини кўрсатмоқда. Экологик муҳитга зарарли таъсир ўтказмайдиган, барқарор энергия манбалари ичида қуёш энергияси ўзининг бир қатор ижобий хусусиятларига кўра алоҳида ўрин эгаллайди. Ерга Қуёшдан етиб келадиган ёруғлик энергияси 1,5 суткада $1,7 \times 10^{22}$ Жоулни ташкил этади. Бир йилда Ердаги умумий энергия сарфи $4,6 \times 10^{20}$ Жоул эканлигини назарда тутиб, глобал энергия эҳтиёжини Қуёш нури энергияси ҳисобига бир соатда қанча энергия билан қоплаш мумкинлигини ҳисоблаш мумкин. Шу бугунги кунда, энергетик самарадорлиги жихатдан энг мақбул турдаги қуёш элементи сифатида ноорганик фотовольтаик қурилма тан олинган бўлиб, ундаги рекорд самарадорлик 47%ни ташкил этади; тижорий мақсадлар учун ишлаб чиқараётган бундай турдаги қурилманинг самарадорлиги эса 15-20%ни ташкил этади.

Қуёш элементларининг амалий жихатдан катта истиқболга эга бўлган яна бир тури – бу органик материаллар асосидаги Қуёш элементларидир. Юпқа полимер қопламага асосланган қуёш элементлари ишлов беришнинг қулайлиги, механик мослашувчанлиги ва кенг кўламда арзон ишлаб чиқариш имконияти билан характерланади. Бундан ташқари, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган органик моддаларнинг кимёвий таркибини кичкина ўзгартириш ҳисобига қурилманинг физикавий хусусиятларини кераклигича ўзгартириш имкони бошқа турдаги қуёш элементларига қараганда анчагина юқори баҳоланади. Шунга қарамасдан, Органик Қуёш Элементларда (ОҚЭ) электр энергияси олиш самарадорлиги ҳали ҳам тижоратлаштириш талаблари даражасида эмас: лаборатория шароитида ушбу қурилмаларда қайд қилинган рекорд самарадорлик 14%дан ошмайди. Сўнгги ўн йилликда амалга оширилаётган фундаментал илмий ва амалий тадқиқотлар, инновация ишлари ОҚЭ самарадорлигини янада ошириш, эксплуатация даврини узайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган бўлиб, иқтисодий асосланган фотовольтаик технологияларини яратишга қаратилган.

Мамлакатимизда ҳам қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартириш самарадорлигини ошириш борасида фаол изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бир қатор амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар юқори энергия ўзгартириш самарадорлигига (ЭЎС) эришиш, арзон ва содда технологиялар асосида ОҚЭларни яратишга қаратилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишидаги Ҳаракатлар стратегиясида

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни амалга оширишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқиш муҳим умуммиллий вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, бу борадаги энг муҳим илмий-техник вазифалардан бири - ноорганик қуёш элементларига рақобат қила оладиган арзон, қулай ва содда ишлаб чиқариш технологияларига асосланган ОҚЭларни яратишдир.

Ушбу диссертация иши, маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 26 майдаги №ПҚ-3012 сонли “2017 - 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” номли Қарорлари, 2019 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонида, шунингдек, ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг: III - “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва электрон асбобсозлиги ривожланиши” ва II - “Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик” каби устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қайта тикланадиган, “яшил” энергия манбаларига бўлган эҳтиёж тобора ошиб борар экан, иқтисодий жихатдан самарали фотовольтаик энергия манбалари, айниқса боғланган полимерлардан тайёрланган ОҚЭларга эътибор ошиб бормоқда. Юпқа полимер қопламага асосланган ОҚЭлар механик эгилувчанлиги, ишлов беришнинг қулайлиги ва катта юзали бундай қурилмалар учун арзон ишлаб чиқариш технологиялари мавжудлиги туфайли юксак жозибадорликка эга. Сўнгги йилларда бир қатор хорижий илмий марказларда, лабораторияларда ишлаб чиқариш технологияси қулай ва арзон, узоқ муддат самарали энергия ўзгартириш имконига эга ОҚЭларни яратиш ва шу билан бирга, улардаги энергия ўзгартириш самарадорлигини янада ошириш, оптик ва фотоэлектрик хусусиятлари ўрганишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда.

Ушбу соҳада чет эл олимлари Х.Ширакава, Дж.МакДиармид, Алан Дж. Хигер биринчилардан бўлиб органик фотовольтаика бўйича энг муҳим илмий натижаларга эришдилар ва 2000 йилда Нобел мукофотиغا сазовор бўлишди. МДХ давлатлари олимлари қаторида П.А.Трошин, В.А.Труханов,

В.В.Бруевич, Д.Й.Парашук, республикамизда эса С.Ш.Рашидова, Н.Ашуров ва бошқалар муҳим илмий-техникавий натижалар олишган.

Бугунги кунда ОҚЭлар соҳасида кўплаб тадқиқотлар, жумладан: уларнинг хизмат кўрсатиш даври ва ЭЎСини янада ошириш, атрофдаги физикавий муҳитнинг ушбу самарадорликка таъсирини ўрганиш, қуёш элементининг яроқсиз ҳолатга келиши (деградация) жараёнлари ва уларнинг механизмларини ўрганиш каби муҳим илмий-техникавий изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу диссертация иши бошланган давргача ОҚЭларнинг оптик ютилиш ва фотолюминесцент спектрлари ёрдамида улардаги структуравий ўзгаришлар ва ЭЎСни пасайишини назорат қилиш имкониятлари ҳақида тизимли маълумотлар йўқ эди. Бу эса ОҚЭларда, айниқса уларнинг фаол қатлами структураси ва бошқа физикавий хоссаларига боғлиқ равишда қурилма самарадорлидаги ўзгаришларни аниқлаш ва бунга сабаб бўлган физикавий омилларни ҳар томонлама ўрганиш имконини бермас эди. Диссертация мақсади ва вазифалари айнан шу ҳолатларни ҳисобга олиб танланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг № ОТ-Ф2-05 «Сунъий фотосинтез тизимларида ёруғлик уйғонишлари ва зарядларнинг кўчиш жараёнлари» (2017–2020) давлат илмий-техникавий лойиҳаси доирасидаги илмий тадқиқотлар асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади донор ва акцептор хусусиятли органик полимер аралашмалари асосидаги наноструктурали юпқа фаол қатламли органик қуёш элементларда энергия ўзгартириш самарадорлиги билан уларнинг оптик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг физикавий асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Юпқа қатламли органик материаллар асосидаги қуёш фотоэлементларини олиш услубини ҳамда РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли наноструктуравий юпқа фаол қатламга эга ОҚЭларни ишлаб чиқиш;

РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС аралашмалар асосидаги наноструктурали юпқа фаол қатламнинг абсорбцион, фотолюминесцент спектрларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларга иссиқлик таъсирини баҳолаш;

ОҚЭларда ЭЎСнинг вақт ўтиши билан пасайиши (деградацияси)ни уларнинг оптик параметрлари орқали назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли фаол қатламга эга ОҚЭларнинг фотовольтаик ва оптик параметрларини қиёсий ўрганиш орқали уларга атмосфера таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭлар ва уларни ташкил этувчи материаллардан тайёрланган юпқа қатламлар танлаб олинган.

Тадқиқот предмети РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭлардаги фотоэлектрик жараёнлар, уларнинг ташқи физикавий таъсирлар (иссиқлик, молекулалар диффузияси, атмосфера) натижасида ёки вақт ўтиши билан структуравий ўзгаришлари (деградацияси).

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭларни яратиш методлари, уларнинг структураси ва таркибий материалларидаги ўзгаришларни абсорбцион-фотолюминесцент спектрлари орқали ўрганиш усуллари кенг қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭлари қиздирилганда оптик ютилиш интенсивлиги ва энергия ўзгартириш самарадорлигини ошишига фаол қатламнинг структуравий тартибланиш даражасининг ортиши ҳамда хажмий гетероструктурада зарядлар ҳаракатчанлигининг (мобиллиги) яхшиланганлиги сабаб бўлиши аниқланди;

вақт ўтиши билан РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭлари оптик ва фотоэлектрик параметрларининг ўзгаришлари орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди ҳамда ушбу параметрлари ёрдамида уларнинг деградация даражасини бевосита назорат қилиш имконияти мавжудлиги кўрсатилди;

атмосфера шароитида РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭлари ЭҶС қийматларининг кескин камайишига сув ва кислород молекулаларининг фотоэлементларга ўзаро диффузияси ҳисобига алюминий моддасидан тайёрланган катоднинг оксидланиши асосий сабаб бўлиши аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

РЗНТ:РСВМ ёки РЗНТ:ІТІС таркибли ОҚЭларни тайёрлаш экспериментал методлари ва ускунаси ишлаб чиқилган;

ОҚЭлар ва уларнинг турли таркибий материалларидан иборат қатламларнинг абсорбцион-фотолюминесцент характеристикаларини аниқлайдиган прецезион оптик қуролма яратилган;

турли таркибдаги наноструктурали ОҚЭларнинг фотоэлектрик ва оптик параметрларини параллел равишда аниқлаш ва шунингдек, ушбу параметрларнинг вақт ўтиши билан ўзгаришини (деградациясини) назорат қилиш бундай энергия алмаштирувчи қуролмалар самарадорлигини назорат қилиш имкониятини бериши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори аниқлик ва ўта сезгирликка эга бўлган физикавий усуллардан фойдаланишга асосланади. Замонавий абсорбцион-люминесцент спектроскопияси асбобларини қўллаш, турли структуравий ўзгаришларини, шунингдек реал экспериментал шароитга мос равишда ўрганилаётган объектда кузатиладиган структуравий тартибланиш/тартибсизланишни электрон микроскопияси методлари ёрдамида аниқлаш ва таҳлил қилиш, фотовольтаик параметрларни кўплаб

намуналарда бир вақтда ўлчаб, уларга статистик баҳо бериш тадқиқот натижаларининг юксак ишончилигини таъминлади.

Экспериментал натижалар асосида қилинган хулосалар ва уларни таҳлил қилиш, ўрганилган объектларни назарий тадқиқ этишнинг асосий қоидаларига асосланади ва бошқа муаллифларнинг натижаларига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу диссертация ишидаги тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги авлод ОҚЭларини яратиш учун истиқболли деб қаралаётган органик қуёш элементларини РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли фаол қатламга асосланган фотовольтаик қурилмаларда фотоелектрик жараёнларга рақобатлашувчи ва ЭЎСни пасайтирадиган физикавий омиллар, уларнинг абсорбцион ва фотолюминесцент хоссаларидаги ўзгаришларга асосланган ҳолда ва шунингдек, бундай жараёнлар самарадорлигининг ташқи физикавий-кимёвий таъсирларга боғлиқлигини таҳлил қилишга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тавсия этилган илмий ва техник ечимларни ОҚЭлар самарадорлигини фотолюминесцент кузатиш усуллари билан мониторинг қилиб боришда ишлатиш мумкин. Бунда, бутун қурилма учун умумий (интеграллашган) фотовольтаик параметрлардан фарқли равишда, оптик методлар билан мониторинг қилиш катта ўлчамли ОҚЭлар юзасининг турли қисмида (дифференциал равишда) ЭЎС ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини амалий тадқиқи. Донор ва акцептор аралашмалари асосидаги наноструктурали юпқа фаол қатламли органик қуёш элементларининг оптик ва фотовольтаик параметрларини қиёсий таҳлиллари бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

аралашма таркибида акцептор сифатида фойдаланилган фуллерен асосли РСВМ материалининг оптик ва фотовольтаик параметрларини тадқиқ қилиш орқали аниқланган натижалар ОТ-Ф2-51 рақамли “Фуллеренлар ва уларнинг ҳосилалари асосида оптоэлектроника ва қуёш энергетикаси учун янги функционал наноматериаллар синтез қилишнинг фундаментал асослари” фундаментал лойиҳасини бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2.04.2021 йилдаги 2/1255-976-сонли Маълумотномаси). Олинган илмий натижалардан фойдаланиш фуллерен асосидаги қуёш энергетикаси учун янги функционал наноматериалларни бошқа донор материаллар билан гибрид ҳолда самарали қўллашга имкон берди, шунингдек структуравий комбинацияларни аниқлаш имконини берди;

юпқа қатламларнинг абсорбцион-фотолюминесцент характеристикаларини аниқлаш методикаси ва презецион оптик қурилмасидан фойдаланиш ЁФА-Фтех-2018-204 рақамли “Фотометрик шар асосида суст ютилиш чизиқларини қайд қилишнинг янги усулини ишлаб чиқиш” ёшлар фундаментал лойиҳасини бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 12.08.2021 йилдаги 2/1255-2236-сонли Маълумотномаси). Олинган илмий натижалардан фойдаланиш фотометрик шарларни ички сатҳларини қоплашга қўлланилган

турли органик ва ноорганик юпқа қатламларнинг абсорбцион-фотолбминесцент характеристикаларини аниқлаш ва уларни дегредацион параметрларини баҳолаш натижасида суст ютилиш чизиқларини қайд қилишда максимал сезгирликни таъминлайдиган қурилманинг оптимал конструкциясини ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва 8 республика конференцияларида маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари 15 та илмий ишда, шу жумладан 4 та мақола диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда нашр этилган.

Диссертация тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 51 та расм ва 5 та жадвалдан иборат. Диссертация матни 142 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, улардан амалда фойдаланилганлиги, чоп этилганлиги ва апробацияси ҳамда диссертациянинг тузулиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб “**Адабиётлар таҳлили**”га бағишланган. Унда муқобил энергия манбасидан фотовольтаик мақсадда қуёш энергиясини ўзлаштиришда органик фотоэлементлардан кенг фойдаланиб тадқиқ қилишининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Органик қуёш элементининг тузулиши ва ишлаш принципи, шакллантириш усуллари, фаол қатлам материаллари ва уларнинг оптик хоссалари, наноструктурали фаол қатламининг физикавий хоссалари, ишлаш самарадорлигига боғлиқ бўлган пасайтирувчи ташқи ва ички омилларга оид тадқиқотлар кўриб чиқилган.


Иккинчи боб «**Органик моддалар наноструктурали аралашмаси асосидаги қуёш элементларини яратиш ва улардаги фотоэлектрик жараёнларни ўрганишнинг экспериментал методлари**» яратилган ва ишлатилган экспериментал қурилмаларнинг тавсифига, органик моддалар наноструктурали аралашмаси асосидаги қуёш элементларини тайёрлаш ва тадқиқ қилиш услубларига бағишланган. Тайёрланиш техника усулларида материалларнинг юпқа қатламлари уларнинг суяқ эритмаларидан фойдаланиб, спин коатинг усулида юпқа қатламлар тайёрланиш жараёнлари кетма кетлик босқичлари келтирилган. Ушбу бобда юпқа қатламларнинг ютилиш спектрларини олиш учун 190-1100 нм диапазон спектрига эга UV-

1280 (Shimadzu, Япония) спектрофотометри ишлатилган. Бу асосан ёруғлик манбаи ва детектор оптикасидан иборат бўлиб, UV-1280 спектрофотометрининг асосий компонентлари схематик тасвири ва қурилмани сошлаш жараёнлари келтирилган (1-расм).



1-расм. Оддий УВ-кўринадиган соҳа спектрометрининг асосий қисмлари схемаси

Шунингдек, наноструктура тузилмаларига эга юпқа қатламларни характерлаш учун фотолюминесценция (ФЛ) спектроскопиясидан ҳам фойдаланилган. Намуналарнинг ФЛ спектрларини тадқиқ қилиш учун намуна сиртига 532 нм тўлқин узунлигидаги 0,5 Вт қувватдаги лазер нурини йўналтириш орқали Renishaw 2000 (Буюк Британия) спектрометри ёрдамида ФЛ спектрлари олинган. 2-расмда ФЛ спектрини ўлчаш учун одатий экспериментал қурилма схемаси кўрсатилган.




2-расм. ФЛ спектрини ўлчаш қурилма схемаси

ОҚЭ тайёрлангандан сўнг, ОҚЭ фотон энергиясини электр энергиясига қанчалик самарали ўзгартиришини ва оптик тадқиқотлар орқали олинган натижаларни бошқа методлар асосида тасдиқлаш мақсадида фотоэлектрик параметрлари ҳам тадқиқ қилинган. Тадқиқот ишида ушбу спектр кенгликдаги ёритиш ҳолатини ҳосил қилиш учун ксенонли чўғланма лампа ва АМ1.5 филтридан иборат қуёш симуляторидан фойдаланилиб яратилган сунъий қуёш спектри нурланишида қурилманинг $I-V$ характеристикалари модели Keithley 2420 (АҚШ) манба ўлчовчи ёрдамида ўлчанган.


Учинчи боб «РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибга эга бўлган наноструктурали аралашмалар асосидаги қуёш элементларининг оптик ва фотоэлектрик хоссалари» деб номланади. Боб РЗНТ:РСВМ ва

РЗНТ:ІТІС таркибли юпқа қатламларнинг абсорбцион (оптик ютилиш), флуоресцент хоссалари ва фотоэлектрик параметрлари таҳлил қилишга бағишланган.

ОҚЭнинг жуда юпқа қатламдан иборат фаол элементи унинг асосий устунликларидан бири бўлиб, экстинкция (ютилиш) коэффиценти улардан тайёрланган тахминан 100 нм қалинликдаги фаол қатламда ёруғликни деярли тўлиқ ютилишини таъминлайди. 3-расмда келтирилган РСВМнинг ютилиш спектрига асосан, 380 нмга қисқа тўлқинларда тор, лекин кучли ва 450 нм – 600 нмлар соҳасида кенг, лекин кучсиз ютилади. Ютилиш спектридаги бундай кескин фарқ, қатламда ушбу молекулаларнинг агрегацияланиши билан боғлиқ. Худди шу қалинликдаги РЗНТ қатламида ютилиш спектри максимумлари 510, 550 ва 600 нмда анча кучлироқ бўлиб, асосий электрон ўтиш ва унинг тебраниш обертонлари билан боғлиқ. Расмда ІТІС қатламининг ютилиш спектри максимумлари 650 нм ва 700 нмда жойлашган иккита пикдан иборат бўлиб, улар қуёш нури спектрининг катта тўлқин узунликлар соҳасида ушбу энергияни интенсив ютилишини таъминлайди.



3-расм. РСВМ (нүктәли чизик), РЗНТ (узук чизик) ва ІТІС (узлуксиз чизик) юпқа қопламаларининг ютилиш спектрлари.




4-расм. РЗНТ:РСВМ (узук чизик) ва РЗНТ:ІТІС (узлуксиз чизик) қатламларининг ютилиш спектрлари.

ОҚЭларда электрон акцептори сифатида фуллеренларни бошқа акцептор молекулалар билан алмаштиришга асосий сабабларидан бири, фуллеренларнинг бундай қурилмаларда ютиладиган қуёш нури спектри ютилиш интенсивлиги ва узок эксплуатация давридаги барқарорлиги билан боғлиқ. Бу эса фуллерен акцепторли ОҚЭларни хизмат кўрсатиш вақтини кескин қисқартиради. Наноўлчамдаги кичик органик молекулалар акцептор материал сифатидаги ІТІС ҳақиқатдан ҳам полимер қуёш элементлари самарадорлигини пасайтирувчи учта юқорида кўрсатилган чекловчи омиллардан халос бўлиш ва ОҚЭ самарадорлигини яхшилашга йўл очади. Биринчидан, донор материал РЗНТнинг ютилиш спектри акцептор материаллари бўлган ІТІСнинг ютилиш спектри РСВМга нисбатан оптимал равишда бир-бирини ўзаро тўлдиради. Бу, айниқса, қуёш нури фотонлари оқими интенсив бўлган катта тўлқин узунликларида (> 650 нм) ўз ифодасини топади. 4-расмда келтирилган РЗНТ донор материалининг РСВМ ёки ІТІС

акцептор материаллари билан аралашмаларидан тайёрланган юпқа қатламларнинг ютилиш спектрларидан кўринадики, РЗНТ:ІТІС аралашмасидан тайёрланган юпқа қатлам қуёш нурларини 400-775 нм спектрал соҳада интенсив ютади, РЗНТ:РСВМ аралашмасидан тайёрланган юпқа қатламнинг ютилиш спектри эса 350-625 нм соҳа билан чекланади.

Ушбу икки турдаги донор-акцептор материаллари аралашмасидан тайёрланган ОҚЭда қуёш нурининг ютилиши самарадорлиги нуқтаи назаридан, фаол элемент сифатида РЗНТ:ІТІС қатламини ишлатилиши РЗНТ:РСВМ қатламини ишлатилишига қараганда қуёш нурини ютиш самарадорлиги уч барабар юқори бўлиши керак. Бироқ, бизнинг экспериментларимизда РЗНТ:ІТІС асосидаги ОҚЭда аниқланган ЭЎС РЗНТ:РСВМ асосидаги ОҚЭдагига нисбатан бир неча марта паст бўлиб чиқди. Бундай кутилмаган натижа, аввал баъзи тадқиқотларда кузатилган РЗНТ полимерининг РЗНТ:РСВМ қатламдан фарқли равишда, РЗНТ:ІТІС қатламида паст даражада кристалланиши ва донор ҳамда акцептор фазаларининг ўзаро ажралишининг паст даражаси билан боғлиқ экан.



5-расм. ОҚЭ юпқа қатламларининг 337 нм тўлқин узунлиқдаги лазер нури таъсиридаги фотолюминесценция спектри

Демак, органик полимер материаллар асосидаги донор-акцептор аралашмасидан тайёрланадиган юпқа қатламда структуравий тартибланиш даражасини ошириш, бундай материаллар асосидаги фаол қатламга эга ОҚЭларнинг самарадорлигини улардаги фотоэлектрик хусусиятларни яхшилаш ҳисобига ошириш имконини беради.

5-расмда РЗНТ:РСВМ ҳамда РЗНТ:ІТІС аралашмаларидан тайёрланган юпқа қатламларнинг 337 нм тўлқин узунлиқдаги лазер нури таъсирида кўзғатилиб, ФЛ спектрлари олинган. Қуёш нурининг ютилиши натижасида РЗНТ:РСВМ аралашмасининг юпқа қатламида ҳосил бўлган экситонларнинг электрон ва ковакларга ажралиш самарадорлигини микдорий жиҳатдан қуйидаги фотолюминесценция сўниши коэффициенти орқали аниқланди.

$$q = (I_{РЗНТ} - I_{РЗНТ/РСВМ}) / I_{РЗНТ}$$

РЗНТ:РСВМ аралашмасининг юпқа қатламидаги сўниш коэффициенти 0.91 ни, бизнинг экспериментларимизда эса РЗНТ:ІТІС аралашмасининг


юпка қатламида сўниш коэффициентлари бир мунча пастроқ қийматли (ўртача 0.85) ташкил этди. Бу кўрсаткич донор полимер материаллар билан ІТІСнинг аралашмаси асосидаги ОҚЭлар қатта истиқболга эга эканини кўрсатади.

Фаол қатлам сифатида РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС аралашмасидан тайёрланган юпка қатламларни ташкил этувчи материаллар 1:1 нисбатда олинган бўлиб, кўплаб тадқиқотларнинг натижаларига кўра, айнан шундай миқдорий нисбатда ОҚЭда энг юқори ЭЎС қайд қилинади. Сабаби, ёруғлик ютилишида пайдо бўладиган экситонларни электрон ва ковакларга ажралиши ва ушбу зарядларнинг электроодларга ташилиши оптимал даражада бўлади.


Фаол қатлам ва катод қатлами орасига юпка PFN қатлами ётқизилса, ЭЎСни кескин ортиши аниқланди. Бунга сабаб, PFN қатлами алюминий катод билан яхши интерфейсни шакллантиради ҳамда кетма-кет қаршилиқ (R_s)ни пасайишига олиб келади. PFN қатлами билан ўзгартирилган контактлар электронларнинг акцептор фазасидан метал катодга ўтишини кучайтириши ва фаол қатламдаги ковак-электрон рекомбинациясини камайтиради. PFN юпка қатлами мавжуд РСВМ акцепторли ОҚЭда ІТІС акцепторли ОҚЭдагидан ЭЎС деярли 4 мартага юқори чиқди. Донор сифатида кенг ишлатиладиган органик полимер – РЗНТнинг бошқа турдош полимерлардан асосий устуворликларидан бири унинг акцептор материал билан ҳажмий гетероструктурани шакллантириши ва бундай структурада юқори кристалланиш хусусиятидир. Лекин, афсуски, РЗНТнинг бундай хусусияти турли акцептор материаллар билан аралашганида турлича намоён бўлади. Экспериментал тадқиқотлар натижалари ва уларнинг таҳлилидан келиб чиқадики, РЗНТ:ІТІС таркибли юпка қатламни кристалланиши РЗНТ:РСВМ таркибли юпка қатламга нисбатан ёмон ва бунинг сабаби биринчисининг хусусиятлари кўпроқ аморфга яқинлиги билан тушунтирилади. Лекин, РЗНТ:ІТІС таркибли юпка қатламни юқорида баён этилган оптик хусусиятлари, яъни унинг қуёш нури спектрининг РЗНТ:РСВМга қараганда анча кенг қисмини ютиши каби шубҳасиз устуворлиги шу асосида ОҚЭнинг янги, юқори самарали турини ишлаб чиқиш ва бунинг учун юпка фаол қатламни полимер материалларини юқори кристалланиш даражасини таъминловчи технологиялар яратиш заруратини кўрсатади.

Тўртинчи бобда **«РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибга эга бўлган наноструктурали аралашмалар асосидаги қуёш элементларининг ишлаш самарадорлигига ташқи омиллар таъсирини баҳолаш»** иссиқлик таъсирида, вақт ўтиши билан ҳамда турли муҳитларда ОҚЭлардаги оптик ва фотоэлектрик параметрларининг ўзгариши экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

ЭЎСнинг максимал қиймати тартибланган, кристалл структурага эга бўлган фаол қатламни ОҚЭда наноўлчамли донор – акцептор доменларининг оптимал даражада ўзаро ажралиши учун 160⁰С температурада 20 дақиқа давомида қиздирилди.




РЗНТ:PCBM




РЗНТ:ITIC

6-расм. ОҚЭ юпқа қатламининг қиздирилмаган (узлукли чизик) ва қиздирилган (узлуксиз чизик) ҳолатлардаги ютилиш спектрлари

6-расмда қиздирилганда спектрнинг қисқа тўлқинли қисмида РЗНТ:PCBM қатламидаги ютилишининг бироз ошиши соф PCBMда ҳам кузатилади экан. Бу, донор ва акцептор фазаларини ажралиши, уларнинг наноўлчамли доменларини шаклланиши, хусусан PCBM молекулаларининг агрегацияланиши (тўпланиши) унинг ютилиш спектрининг ортишига ва узун тўлқинлар томон силжишига олиб келади. РЗНТ:ITIC юпқа қатламини қиздиришда РЗНТ:PCBM юпқа қатламдаги сингари 550 нм ва 600 нмда РЗНТнинг ютилиш пикларида бир хил, характерли спектр ўзгаришлар аниқланди, лекин РЗНТ:PCBM юпқа қатламда ютилиш интенсивлиги анча юқори экан. Қиздиришдан олдин РЗНТ:ITIC юпқа қатламнинг янги тайёрланган намунаси деярли аморф тузилишга эга, аммо қиздирилгандан сўнг ундаги кристаллик даражаси бирмунча яхшиланади.



РЗНТ:PCBM



РЗНТ:ITIC


7-расм. ОҚЭ юпқа қатламининг қиздирилмаган (узлукли чизик) ва қиздирилган (узлуксиз чизик) ҳолдаги фотолюминесценция спектрлари

7-расмда РЗНТ:PCBM юпқа қатламини қиздирилганда фотолюминесценция интенсивлиги икки баравар ортиши кузатилди. Бундай ўзгариш донор ва акцептор фазаларининг ўзаро ажралишиб, уларнинг наноўлчамдаги доменларини шаклланишини яхшиланганлиги ҳисобига экситонларнинг самаралироқ электрон ва ковакларга ажралиши билан изоҳланади. Қиздирилган РЗНТ:ITIC юпқа қатламидаги максимуми 640

нмдаги фотолюминесценция интенсивлиги қиздирилмаганга нисбатан катта фарқ қилмаган ҳолда (1,3 баробар), унинг 730 нмдаги фотолюминесценция интенсивлиги қиздирилган ҳолдигидан уч баравар катталиги аниқланди. Қиздирилмаган РЗНТ:ІТІС юпқа қатламида РЗНТ полимерининг паст даражада тартибланганлиги, лекин қиздирилгандан кейин РЗНТ:РСВМ юпқа қатламига қараганда кўпроқ тартибланиши деб талқин қилиниши мумкин.

Шунингдек, ОҚЭларни қиздирилмаган ва қиздирилгандан кейин ўлчанган асосий фотоэлектрик параметрлари таҳлил қилинган бўлиб, қиздирилгандан кейин ОҚЭларнинг барча фотоэлектрик параметрлари кескин ортиши кузатилган.


8-расмда ОҚЭларнинг вақт ўтиши билан пасайиши деградацияси тавсифланган. Бундай пасайишни маълум физикавий шароитларда ўрганиш, деградациянинг асосий сабаби бўлган ташқи ёки ички таъсир омилларни, бундай жараёнларнинг асосий механизмлари ва кўламини аниқлаш имкон беради. Бу, ўз навбатида, ОҚЭларнинг оптик характеристикалари – ютилиш ва фотолюминесценция спектрларида тегишли ўзгаришларга олиб келиши мумкин. ОҚЭларнинг оптик хоссалари ва фотовольтаик параметрларидаги бундай ўзгаришларни аниқлаб, қурилманинг деградация даражасини сон жиҳатдан баҳолаш мумкин.



8-расм. ОҚЭ юпқа қатламининг вақт ўтиши билан ютилиш спектрининг ўзгариши

8-расмда РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС юпқа қатламларининг янги тайёрланган вақтдаги ҳамда бу юпқа қатламларни атмосфера шароитида 240 ва 720 соат тургандан сўнг ўлчанган ютилиш спектрлари келтирилган. РЗНТ:РСВМ юпқа қатлам спектрида РСВМнинг ютилиш спектри 400 нм атрофида, РЗНТ эса 450-550 нм тўлқин узунлиги оралиғида ютилиш коэффициентининг аста-секин пасайиши кузатилган, шунингдек расмдаги РЗНТ:ІТІС юпқа қатлам спектрида ҳам РЗНТнинг спектри соҳаси РЗНТ:РСВМ юпқа қатлам спектридаги каби 450-550 нм ва ІТІС нинг ютилиш спектри 650-700 нм тўлқин узунлиги оралиғида ютилиш коэффициентининг аста-секин пасайишини кўришимиз мумкин.


9-расмда РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС аралашмаларидан тайёрланган қатламларнинг янгдан тайёрланган ҳолатида ва 720 соат ўтгандан кейин 530 нмли тўлқин узунликдаги лазер нури таъсиридаги фотолюминесценция спектрлари келтирилган.




9-расм. ОҚЭларнинг қиздирилмаган ҳолатида юпқа қатламларининг янги тайёрланган вақтдаги ва 720 соатдан кейин ўлчанган фотолюминесценция спектрлари

Ушбу спектрлардан шуни кўриш мумкинки, фотолюминесценция, асосан, РЗНТ ҳисобига вужудга келади. Бунинг иккита сабаби бор: (I) РЗНТ лазер нурини бошқа таркибий материаллардан анча кучлироқ ютади, (II) иккала хил юпқа қатламда ҳам акцептор (РСВМ ва ІТІС) молекулаларининг фотолюминесценциялаш квант чиқиши (самарадорлиги) РЗНТга қараганда анчагина паст.

Иккала РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС юпқа қатламларнинг вақт ўтиши билан боғлиқ деградацияси фотолюминесценция интенсивлигини ортишига олиб келди. Фотолюминесценция спектрларининг вақт ўтиши билан ўзгариши РЗНТ:РСВМ юпқа қатламидаги фотолюминесценция интенсивлигини 35%га, РЗНТ:ІТІС юпқа қатламидаги фотолюминесценция интенсивлигини 63%га ошиши билан характерланади. Юпқа фаол қатламли ОҚЭларнинг вақт ўтиши тufайли деградацияси натижасида фотолюминесценция интенсивлигининг ортиши қиздирилмаган РЗНТ:РСВМ юпқа фаол қатламида 35%га (9-расм), қиздирилган шундай юпқа қатламда эса камроқ, 22%га (10-расм) тенг ўзгариш кузатилди. Юпқа РЗНТ:ІТІС қатламли ОҚЭда эса термик қиздириш тескари таъсирни келтириб чиқарганлиги ажабланарли – ундаги вақт ўтиши билан фотолюминесценция интенсивлиги ўзгариш кўлами қиздирилмаган юпқа РЗНТ:ІТІС қатламли ОҚЭга нисбатан 60% га (9-расм), қиздирилган РЗНТ:ІТІС юпқа қатламида эса 100%га (10-расм), яъни 2 марта ортганлигини кўришимиз мумкин.



РЗНТ:РСВМ




РЗНТ:ІТІС

10-расм. ОҚЭларнинг қиздирилган юпқа қатламларининг янги тайёрланган вақтдаги ва 720 соатдан кейин ўлчанган фотолюминесценция спектрлари


Ушбу ҳолатни, катта эҳтимоллик билан, икки жараённинг рақобати билан изоҳлаш мумкин: қиздирилганда ютилишнинг пасайиши мос равишда фотолюминесценциянинг пасайишига олиб келади, аммо донор ва акцептор фазалари доменлари ҳажмининг ўсиши ушбу фазалар чегарасида экситонни эркин зарядларга айланиш эҳтимоллигини пасайишига олиб келади. Шу сабабли РЗНТ:ІТІС аралашмасидан тайёрланган юпқа қатламини РЗНТ:РСВМ аралашмасидан тайёрланган юпқа қатлам билан таққослаганда структуравий тартиблилик даражасининг пастлиги сабабли, РЗНТ:ІТІС аралашмасидан тайёрланган юпқа қатлам термик қиздириш жараёни анча самарасизлигини тушуниш мумкин (10-расм). Шунинг учун, РЗНТ:ІТІС юпқа қатламида термик қиздиришдан кейин ҳам вақт ўтиши билан деградация жараёни давом этаверади деган хулосага келиш мумкин.

Қуёш фотоэлементларига қўйиладиган асосий вазифалардан температура, механик таъсирлар, кимёвий ҳамда нурланишлар таъсирларига чидамлилигидан ташқари атмосфера муҳитида барқарор ишлаш талаби ҳам қўйилади. Шу сабабдан тадқиқ этилаётган РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС асосида ОҚЭларини махсус азотли ҳамда атмосфера муҳитида самарадорлик ва барқарорлик кўрсаткичлари тадқиқ этилди.

Атмосфера ва азот муҳитида жойлашган РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС асосидаги ОҚЭдаги V_{OC} , I_{sc} ва ЭЎС нормаллашган қийматлар фотоэлектрик параметрларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши 30 кун давомида кузатилиб, ОҚЭларининг кислород молекулаларидан холи бўлган азот муҳитида ўрганилди (11-расм). Эътиборли жиҳати шуки, кислород бўлмаган тақдирда ҳам азотли муҳитда V_{OC} , I_{sc} ва ЭЎС нормаллашган қийматлар пасайиши кузатилди.




РЗНТ:РСВМ




РЗНТ:ІТІС

11-расм. Азот муҳитида жойлашган ОҚЭларнинг V_{oc} (доира), I_{sc} (учбурчак) ва ЭЎС (ромб) қийматларининг ўзгариш эгри чизиклари.

Спектрал натижалардаги боғлиқликларда бўлгани каби, РЗНТ:ІТІС асосида ОҚЭларда ЭЎСнинг камайиши РЗНТ:РСВМ асосида ОҚЭларга қараганда тезроқ содир бўлар экан. Бундай вақт оралиғида V_{oc} нинг кескин бўлмаган ҳолдаги секин пасайиши, бошқа секинроқ кечадиган деградация механизмларининг мавжудлигини кўрсатади.



РЗНТ:РСВМ



РЗНТ:ІТІС

12-расм. Атмосфера муҳитида жойлашган ОҚЭларнинг V_{oc} (доира), I_{sc} (учбурчак) ва ЭЎС (ромб) қийматларининг ўзгариш эгри чизиклари.

12-расмдан кўринадикки, ҳар иккала ОҚЭларда ҳам ўзгармас V_{oc} , I_{sc} ва ЭЎС қийматлари қисқа вақт ичида атмосфера муҳитида деярли нолга тушади. Бундай ўзгаришлар ўрганилаётган ОҚЭлар турига хос бўлиб, уларнинг механизми асосан юқори катод қатлами Al нинг тез оксидланиши ва унинг юпка қатламга диффузион тарқалиши билан боғлиқ. РЗНТ:РСВМ асосидаги ОҚЭларнинг ЭЎС камайиш даври тахминан 8 соатни ташкил этади. Бироқ, РЗНТ:ІТІСга асосланган ОҚЭларда ЭЎСнинг пасайиш даври сезиларли даражада кичик бўлиб, бир соатдан кам вақтда деярли тўлиқ деградацияга учрар экан. Вақт ўтиши билан деградацияни ўрганиш шуни кўрсатадики, атмосферада ОҚЭлар тезда деградацияга учрайди. Бир хил донор матрицали полимерга эга бўлган, аммо ҳар хил акцептор молекулали иккита органик қуёш элементларининг деградация натижасида парчаланиш

тезлигидаги бундай фарқ уларнинг фотоактив қатламининг ўзига хос тузилиши билан боғлиқ. РЗНТ:РСВМ юпқа қатлами термик қиздиришдан сўнг юқори тизимли тартиб билан тавсифланса, аксинча РЗНТ:ІТІС юпқа қатлами эса аморф тузилишга яқин бўлади.

Бир хил ОҚЭ билан, лекин Al катод қатламисиз, РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС тузилмаларининг оптик характеристикаларини ўрганиш уларнинг парчаланиши кинетикасида фақат характеристика даври 720 соат бўлган секин компонент мавжудлигини кўрсатди. Бундай юпқа қатламларнинг ютилиш спектридаги ўзгаришлар РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС нинг бутун ютилиш спектри давомида кузатилади, бу эса юқоридаги аралашмалардаги композит материалларининг структуравий ўзгаришлари ва парчаланишини билдиради. Ўрганилаётган юпқа қатламларда ютилишнинг пасайиш вақти 720 соатни ташкил этган ҳолда ОҚЭларнинг фотолюминесценцияси ҳам атмосфера муҳитида 720 соатдан сўнг секин, аммо сезиларли даражада ўсишини кўрсатди, бу донор ва акцептор фазаларининг ажралиши билан боғлиқ. Бир хил донор РЗНТ полимерли, аммо турли хил РСВМ ва ІТІС акцептор молекулалари бўлган ОҚЭларнинг фотоволтаик ва оптик хусусиятларини қиёсий ўрганиш мисолида, бундай қурилмаларнинг ютилиш ва фотолюминесценция спектрлари маълумот берувчи восита сифатида кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин, яъни ЭЎСнинг камайиши ва деградация даражасини, қуёш энергиясини ўзгартириш қурилмаларининг хизмат кўрсатишга яроқли эканлиги каби параметрларини баҳолаш мумкин.

ХУЛОСА

1. Юпқа қатламли органик материаллар асосидаги қуёш фотоэлементларини олиш услуги ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ушбу услуб ёрдамида донор материал сифатида муҳим энергетик ва структуравий хоссаларга эга бўлган органик полимер РЗНТ ва унга мос энергетик сатҳларга эга акцептор материаллар РСВМ, ІТІС моддалари танланиб улар билан РЗНТ:РСВМ ва РЗНТ:ІТІС таркибли структуравий органик қуёш элементлари олинди.

2. РЗНТ:ІТІС, РЗНТ:РСВМ аралашмалари ва уларнинг таркибий материаллари РЗНТ, ІТІС ва РСВМлардан тайёрланган юпқа қатламларнинг абсорбцион, фотолюминесцент хусусиятлари аниқланди. РЗНТ:ІТІС аралашмали ОҚЭ структурасининг РЗНТ:РСВМ таркибли ОҚЭ структурасига нисбатан қуёш нури тегишли спектридаги энергиясини ютиш самарадорлиги уч баробар юқорилиги аниқланди. Шунингдек, РЗНТ:ІТІС таркибли структуравий ОҚЭнинг РЗНТ:РСВМ аралашмалар асосидаги ОҚЭлардагига нисбатан ФЛ интенсивлигининг юқорилиги ҳамда ЭЎС қийматининг пастлиги билан фарқ қилади ва бу ҳолат РЗНТ:ІТІС аралашмаси юпқа қатламининг структуравий ва морфологик камчиликлари (паст кристалланиш даражаси, донор ва акцептор фазаларининг мукамал ажралмаганлиги) билан изоҳланди.

3. Термик ишлов берилган P3HT:PCBM ва P3HT:ITIC асосида OҚЭ композит материалларининг ютилиш, фотолюминесценция ва фотоэлектрик хусусиятларини қиёсий ўрганиш орқали OҚЭларнинг самарадорлигини чекловчи физик сабаблар аниқланди. Тадқиқ қилинган структуравий OҚЭлари қиздирилганда молекуляр тартибланиш даражаси яхшиланганлиги, ҳажмий гетероструктурада зарядлар ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ошиши ҳисобига фотофизик параметрлар ортганлигини ва бу ўзгариш оптик характеристикалардаги ўзгаришлар билан мутаносиблиги аниқланди.

4. P3HT:ITIC, P3HT:PCBM таркибли OҚЭлар вақт ўтиши билан деградацияга учраши натижасида уларнинг ютилиш спектрларидаги интенсивликлари камайиб, ФЛ спектр интенсивлигининг ортиши кузатилди. Кузатилган ушбу ўзгаришлар тадқиқ қилинаётган OҚЭларнинг структуралардаги тартибсизланиш даражаси ошиши ҳисобига зарядлар ташилиш интенсивлигининг кескин камайиб кетиши билан бевосита боғлиқ бўлиб буни фотоэлектрик параметрларининг вақт ўтиши билан ўзгариши ҳам тасдиқлайди.

5. Тадқиқ қилинган OҚЭларининг ЭЎС қийматларига атмосфера таъсирини баҳолаш мақсадида азот муҳитида намуналарнинг деградация жараёнлари кузатилди. Фотоэлементларнинг алюминий моддасидан тайёрланган катод сув ва кислород молекулаларининг ўзаро диффузияси таъсирида оксидланиши ҳисобига P3HT:PCBM ва P3HT:ITIC таркибли OҚЭлар фаол қатлами ҳамда катод материали орасидаги энергетик сатҳлари ўзгариши натижасида намуналарининг ЭЎС кескин камайишига сабаб бўлиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ АН РУз**

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ИМОМОВ МУХИБЖОН ХАБИБЖОНОВИЧ

**ОПТИЧЕСКАЯ СПЕКТРОСКОПИЯ НАНОСТРУКТУРИРОВАННОЙ
СМЕСИ ОРГАНИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ, ПЕРСПЕКТИВНЫХ ДЛЯ
СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ**

01.04.05 – Оптика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/FM538.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: Эркин Агзамович Захидов
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Юсупов Джавдат Бакиджанович
доктор физико-математических наук, профессор

Каххаров Абдулмуталиб Мамаджанович
доктор физико-математических наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация: Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «2» июня 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSс.02/30.12.2019.FM.65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий по адресу: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № 10). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «20» 10 2021 года.

(Реестр протокола рассылки 10 от «2» 11 2021 года).



Х.Б.Ашуров
председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
технических наук, профессор

И.Д.Ядгаров
учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
физико-математических наук, старший
научный сотрудник

Б.Е.Умирзаков
председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор физико-математических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. Постоянный рост спроса на энергию вызывает ряд глобальных экономических проблем. На сегодняшний день ископаемые топлива являются основным источником энергии, используемые во всем мире. Невозобновляемость таких источников энергии и их вредное воздействие на экологию планеты, такое как "парниковый эффект" и загрязнение атмосферы, вызывают серьезные проблемы, подчеркивая необходимость широкомасштабного использования других возобновляемых источников энергии. Среди устойчивых источников энергии, не оказывающих негативного воздействия на окружающую среду, солнечная энергия занимает особое место благодаря ряду своих положительных свойств. Энергия света, достигающего Земли от Солнца, составляет $1,7 \times 10^{22}$ Дж за 1,5 дня. Предполагая, что общее потребление энергии на Земле в год составляет $4,6 \times 10^{20}$ Дж, можно подсчитать, сколько энергии в час может быть покрыто глобальным спросом на энергию за счет солнечной энергии. Сегодня неорганические фотоэлектрические устройства признаны наиболее оптимальным типом солнечных элементов с точки зрения энергоэффективности с рекордной эффективностью 47%; а КПД этого типа устройств, выпускаемых для коммерческих целей, составляет 15-20%.

Другой тип солнечных элементов, обладающих большим практическим потенциалом, - это солнечный элемент, созданный на основе органических материалов. Солнечные элементы на основе тонкого полимерного покрытия отличаются простотой обработки, механической гибкостью и возможностью дешевого производства в больших масштабах. Кроме того, возможность изменения физических свойств устройства по мере необходимости за счет небольших изменений химического состава органических веществ, используемых при их производстве, намного выше, чем у других типов солнечных элементов. Однако эффективность получения электроэнергии в органических солнечных элементах (ОСЭ) все еще не находится на уровне требований коммерциализации: рекордная эффективность, зафиксированная в этих устройствах в лабораторных условиях, не превышает 14%. Фундаментальные научные и прикладные исследования и инновации, проведенные за последние десятилетия, направлены на дальнейшее повышение эффективности ОСЭ, продление срока службы и снижение производственных затрат, а также создание экономичных фотоэлектрических технологий.

